Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 20 сентябрь, чоршанба • № 75 (10.750) • Эркин нархда сотилади

## ҚАРДОШЛИК ҚАНОТ БЕРГАН ҲАМКОРЛИК

19 сентябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев амалий ташриф билан Тошкентга келди.

Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари билан безатилган пойтахт аэропортида юксак мартабали меҳмонга Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов пешвоз чиқди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон халқлари ўртасидаги дўстлик, маданий-маънавий бирликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани бугун ҳар икки мамлакатга бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида айрим муаммоларни биргаликда ҳал этиш, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги ҳамкорликни янада равнақ топтириш имконини бермоқда. Зеро, қадимдан бир дарёдан сув ичиб келган икки халқнинг бир-бирига қай даражада суяниб келганини изоҳлаш ортиқча.

Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев ўртасида бўлиб ўтган суҳбат давомида икки республика ўртасидаги иқтисодий интеграцияни кучайтириш, Нукусда давом этаётган Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланган халқаро конференция иши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Мулоқотдан сўнг ҳар икки мамлакат раҳбарлари журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари тарихида собиқ Шўро иттифоқи талай асоратлар қолдирди. Бу асоратлар бугунги турмушимизда ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Улардан бири — Орол денгизи қуриши натижасида юзага келаётган экология ҳалокатидир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундай муаммоларни ҳал қилиш ҳақида гапирар экан, бу борада қуруқ сўзлардан амалий ишга ўтиш даври келганини қайд этди. Халқаро Нукус конференциясида қабул қилинажак ҳужжатлар бу соҳада амалга ошириладиган тадбирлар бўйича аниқ мажбуриятларни акс эттиражагига умид билдирди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларга алоҳида тўхталдилар.

Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёни ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини қамраб олаётгани, жумладан, республикалар ўртасида ўзаро кимёвий молия-саноат гуруҳи ва бошқа шу каби тузилмалар ташкил этила бошлангани келгусидаги самарали ҳамкорлик гарови бўлишини таъкидлади.

Нурсултон Назарбоев брифингда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни ҳақида гапириб, айниқса ер ислоҳоти борасида мамлакат раҳбарияти юргизаётган сиёсат ибратли эканини айтди. Шунингдек, Қозоғистон раҳбари Ўзбекистон ҳукуматининг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги тажрибасини ҳам «ўрнак олишга арзигулик» деб баҳолади.

Шу куни Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев Президент И. Каримов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюрди, пойтахтдаги айрим спорт иншоотларини бориб кўрди.

(ЎзА).

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада тараққий эттириш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди, долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Учрашувда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Филипп Сидорский ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҚЛАРИ АЛМАШИНДИ

18 сентябрь куни Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги консуллик конвенциясининг ратификацияси ёрлиқларини алмашиш маросими бўлди.

Конвенция 1994 йил 2 мартда, Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи чоғида Москвада имзоланган ва ўтган йили Ўзбекистон парламенти томонидан ратификация қилинган эди. Айни пайтда ҳужжатни бу йил Россия Федерацияси Федерал Мажлиси ҳам ратификация қилди.

Консуллик конвенцияси ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протоколни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири А. Козерев имзоладилар.

Протоколни имзолаш маросимида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Филипп Сидорский ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## ХАЛҚАРО КЕНГАШ-СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

ТОШКЕНТ * TASHKENT

***Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент кенгаш-семинари 16 август куни ўз ишини якунлади.***

***Шу куни кенгаш-семинар иштирокчилари учрашув якуни бўйича тайёрланган баёнот лойиҳаси, бўлиб ўтган қизғин музокаралар хусусида ўз фикрларини билдирдилар. Жумладан, кенгаш президенти, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов икки кун мобайнида очиқ қизғин фикр алмашишлар натижасида минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида янги-янги ғоялар туғилганини таъкидлади. БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик учрашув якунлари бўйича тайёрланган баёнот коллектив равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар дастури бўлиб хизмат қилишини қайд этди.***

***Анжуман қатнашчилари «Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкент кенгаш-семинари иштирокчиларининг баёноти»ни қабул қилдилар.***

***Турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар делегациялари аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва БМТнинг чуқур хайрихоҳлиги билан бошланган мазкур Тошкент кенгаш-семинари юқори даражада ва муваффақият билан ўтгани ҳамда у минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлишини таъкидладилар. Зеро, бугун Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлашга оид турли фикр ва мулоҳазаларни жамлаш, шу йўлдаги ҳаракатларни бирлаштириш учун мана шундай кенгаш жуда зарур эди. Шу боис, кенгашда нафақат минтақа ва унга туташ давлатлар, балки, бошқа кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари ва турли халқаро ташкилотлар вакилларининг фаол иштирок этиши унинг аҳамияти ҳамда нуфузини оширди.***

***Тошкентда ўтган мазкур кенгаш минтақада барқарорлик ва ҳамкорлик йўлидаги янги эзгу ишларнинг бошланиши бўлгани шубҳасиз.***

***

***Шу куни Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш-семинар иштирокчилари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандга ташриф буюриб, шаҳардаги тарихий обидалар, осори атиқалар билан танишдилар.***

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ КЕНГАШ-СЕМИНАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

Марказий Осиё давлатлари ва 15-16 сентябрда Тошкентда тўпланган хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича кенгаш-семинарнинг бошқа иштирокчилари,

БМТ тамойиллари ва мақсадларига ўзларининг содиқлигини тасдиқлаган, ҳамда Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашишда қатъийятини изҳор қилган ҳолда,

минтақавий ва умумжаҳон хавфсизлигининг яхлитлигини эътироф этган ҳолда,

Марказий Осиё давлатларининг ҳудудий бутунлигини эътироф этиш лозимлигидан келиб чиқиб,

Марказий Осиё халқларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини ҳамда уларнинг асосий ҳуқуқларини таъминлаш зарурлигини таъкидлаган ҳолда,

### БАЁНОТ БЕРАДИЛАР:

Марказий Осиё давлатлари минтақада вужудга келаётган вазият учун ўзларининг масъулиятини тўла ҳис қилиб, минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликни таъминлаш жаҳон ҳамжамиятининг муттасил ривожланишига ўзларининг коллектив равишда қўшадиган муҳим ҳиссаси эканидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар. БМТ ва ЕХҲТнинг асосий тамойиллари, жумладан, суверенитет, ҳудудий яхлитликни тан олиш, мунозараларни тинч йўл билан ҳал этиш ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик — бу мақсадларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Бой ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий ранг-баранглиги билан ажралиб турган Марказий Осиё минтақаси хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт минтақаси бўлиб қолиши, инсоният тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин ва лозим. Бу мақсадга фақатгина коллектив саъй-ҳаракатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши орқалигина эришиш мумкин.

Кейинги пайтларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ижобий йўналишлар кўзга ташланмоқда. Бироқ, бугунги кунда бу ҳаракатларни қатъий тус олган дейишга ҳали асос йўқ.

Марказий Осиё давлатлари Афғонистонда давом этаётган можаро ва Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазиятдан чуқур ташвишда эканликларини изҳор қилган ҳолда, минтақавий хавфсизликнинг яхлитлиги ҳамда уни таъминлашдаги коллектив масъулиятни қатъий эътироф этадилар ҳамда БМТ ва унинг БМТТД, ЮНДКП, ЮНИСЕФ сингари органлари, шунингдек ЕХҲТ, ИКТ, МДҲ каби ташкилотларнинг амалдаги механизмларидан самаралироқ фойдаланишга даъват этади.

Шу муносабат билан Тошкент кенгаш-семинари қатнашчилари БМТ ҳомийлиги ва кузатувчи мамлакатлар иштирокида тожикларaро мулоқот доирасида Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувликни ўрнатишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги протоколнинг имзоланишини ва ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги битим муддатининг узайтирилишини кутлайдилар.

Элатлараро зиддиятлар, наркобизнес, террорчилик, қуролларнинг қонунга хилоф равишда жойдан-жойга кўчирилиши, инсонларнинг кўчишга мажбур бўлиши сингари хавф ва тазйиқларга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу каби хафларни бартараф этиш ҳамкорликнинг муассасавий асосларини яратиш ва бу соҳада ахборот алмашиш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Марказий Осиё давлатлари учун иқтисодий хавфсизликни таъминлаш — умумий заруриятдир. Бу — уларнинг макроиқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш даражасининг бундан буён пасайишига йўл қўймаслик, иқтисодиётнинг асосий соҳаларида тузилма ўзгаришларини амалга оширишда ҳаракатларни умумлаштиришни тақозо этади.

Марказий Осиё давлатлари, янги коммуникациявий тартибни барпо этиш муҳимлигини эътиборга олиб, турли хил транспорт ва ахборот тармоқларини ўрнатиш ва кенг йўлга қўйиш ҳаётий зарурат, деб ҳисоблайдилар.

Ҳукумат ва ҳукуматга дахлдор бўлмаган турли органлар иштирок этиши лозим бўлган экология хавфсизлиги тизимини барпо этишга ҳар жиҳатдан ҳисобга олинган ёндашувни таъминлаш зарур. Бу борада оламшумул экология ҳалокати минтақасига айланган Орол денгизи ҳудуди алоҳида эътибор талаб этади.

Марказий Осиё давлатларининг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланишда ҳамкорликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни ташкил этиш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади.

Марказий Осиё давлатлари ўзларининг БМТ ва ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича андозаларига содиқлигини тасдиқлайдилар, минтақада демократиялаштириш жараёнини ва кам сонли миллатлар вакилларини ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлашни чуқурлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Марказий Осиё давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини янги жаҳон тартибини шакллантириш жараёнидаги энг илғор воситалардан бири сифатида унинг бу борадаги ўрнини юксак баҳолайдилар ва БМТнинг имкониятлари ҳамда орттирган тажрибаси минтақадаги мавжуд муаммоларни муваффақият билан бартараф этишга имкон яратишига ишонадилар.

Инсоният тўплаган тажриба Тошкент Анжумани муҳим ҳисса қўшган минтақавий тараққиётнинг келажагига умид ва ишонч билан қараш имконини беради.

(ЎзА)

## ОРОЛ ДАРДИ — ОЛАМ ДАРДИ

***НУКУС, 18 сентябрь. (ЎзА махсус мухбирлари Ғулом Мирзо, Абдураҳмон Искандаров хабар қилади). Бугун бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланган уч кунлик халқаро конференция иш бошлади.***

Анжуманда АҚШ, Австралия, Австрия, Англия, Бельгия, Дания, Италия, Испания, Канада, Кения, Россия, Туркия, Малайзия, Франция, Финляндия, Швеция, Япония, Қувайт, Афғонистон, Ҳиндистон каби кўплаб йирик давлатлар вакиллари, нуфузли халқаро ташкилотлар мутахассислари, хорижий экспертлар, шунингдек, Марказий Осиё минтақаси вакиллари қатнашмоқда.

Орол денгизининг ҳалокати нафақат қадим Туркистон заминида истиқомат қилувчи халқларга, балки жаҳон аҳлига турғунлик даври қолдирган беомон кулфат бўлди, десак муболаға эмас. Бугунги кунда Оролнинг қурий бошлаши оқибатида юзага келган экологик муаммоларни бартараф этиш, она денгизимизни сақлаб қолиш борасида Марказий Осиё республикаларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари муҳим ўрин тутади. Мазкур масала бўйича 1993 йилдан буён минтақа давлатлари раҳбарларининг Россия Федерацияси вакиллари иштирокида олий даражада учрашувлар ўтказиши одатий тус олди. Ана шундай учрашувлар чоғида тузилган Оролни қутқариш бўйича халқаро жамғарма ва давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси фаол ишламоқда.

Ҳозирда БМТ, ЮНЭП, ЮНЕСКО, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, жаҳон банки каби экологик ва иқтисодий йўналишдаги нуфузли халқаро ташкилотлар Орол ва Оролбўйи муаммосини бартараф этишда кўмаклашиш учун астойдил бел боғлагани эътирофга сазовордир.

Айниқса, Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракати туфайли жаҳон халқларининг диққат-эътибори Орол денгизи ва Оролбўйи ҳавзаси муаммоларига қаратилди. Қайд этиш жоизки, ушбу халқаро тадбир ҳам Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Дашҳовуз учрашувида кўтарган ташаббуснинг минтақа мамлакатлари раҳбарлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланиши натижаси ўлароқ ташкил этилмоқда.

Конференция қатнашчиларининг Қорақалпоғистон пойтахтига етиб келган бир гуруҳи 17 сентябрь куниёқ самолётда Орол денгизи акваториясини айланиб чиқди. Иштирокчиларнинг иккинчи гуруҳи эса шаҳарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича фан ва техника ютуқлари кўргазмаси, шунингдек, Бердах номидаги театр биносида ташкил этилган амалий санъат намуналари кўргазмасини томоша қилдилар, киностудия биносида конференция қатнашчилари учун Орол денгизига бағишланган кинофильмлар намойиш этилди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Орол денгизи муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш раиси Исмоил Жўрабеков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро конференция қатнашчиларига табригини етказди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасининг доимий вакили Холид Малик анжуман аҳлини қутлар экан, Ўзбекистон ҳукумати, хусусан мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг Орол денгизи ва Оролбўйи минтақаси муаммоларини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда изчил ташаббусларини юксак баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ давлатлари бўйича бўлими директори ўринбосари Элизабет Фонг, БМТ комиссияси раиси элчи Бо Кюелен Орол денгизининг қуриши оқибатида юзага келган экологик офатни бартараф этишда Марказий Осиё давлатлари ва умуман, жаҳон ҳамжамияти амалга ошираётган ишлар хусусида сўзлаб, Нукус халқаро анжумани бу соҳада яна бир самарали қадам бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

Конференциянинг дастлабки мажлиси кун тартибидан ўрин олган Орол денгизи ҳавзаси давлатларининг барқарор ривожланиш масалалари мавзусида ЮНЕСКО, ЮНЭП, жаҳон банки, Орол денгизи муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш мутахассислари, шунингдек, Туркия, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон вакиллари маъруза қилди.

***

**19 сентябрь. (ЎзА махсус мухбирлари Ғулом Мирзо, Абдураҳмон Искандаров)**. Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференция давом этмоқда.

Анжуманнинг иккинчи куни муҳокамалар мавзуси инсоният тараққиёти омилларига бағишланди. Эрталабки мажлисда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ижрочи директори В. Крайслер, Қорақалпоғистондаги «Оила саломатлиги» номли ҳукуматга тааллуқли бўлмаган ташкилот директори А. Отаниёзова маъруза қилди. Шунингдек, бир қанча мамлакатлар вакилларининг муҳокама этилаётган масала юзасидан фикрлари тингланди.

Маълумки, Орол сувининг соҳилдан 120 километргача чекиниши оқибатида 5-6 миллион гектар майдон туз ва қум саҳросига айланди. Денгизнинг қуриб бориши минтақа иқлимига, ҳайвонот ва наботот оламига ўта салбий таъсир этаяпти. Ачинарлиси шундаки, Оролбўйи ҳудудида сув, ер ва ҳавонинг зарарланиши каби фалокатли ҳолатлар бу ерда истиқомат қилувчи миллионлаб кишилар саломатлигига катта хавф солмоқда. Халқаро ва маҳаллий экспедиция текширувлари экологик офат ва ижтимоий-маиший шарт-шароитнинг оғирлиги минтақада яшовчи аксарият аҳолининг, айниқса, оналар ва болаларнинг соғлиғига путур етказаётганини кўрсатмоқда. Биргина мисол, бугунги кунда Қорақалпоғистон ҳудудида мавжуд сув манбаларининг 68 фоизи яроқсиз ҳолда.

Ўзбекистон ҳукумати Оролбўйи аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш юзасидан ҳукуматга тааллуқли бўлмаган ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни кенгайтирмоқда. «Экосан» халқаро жамғармаси ва ЮНИСЕФ ўртасидаги ана шундай биргаликдаги фаолият натижаси сифатида аспера — Орол денгизи ҳудудига иқтисодий ва минтақавий ёрдам лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошлангани эътиборга моликдир.

— Бу дастур Ўзбекистон ҳукумати, хусусан Президент Ислом Каримов томонидан қувватлангач, амалга тадбиқ этила бошланди, — деди «Экосан» халқаро жамғармаси президенти Юсуф Шодиметов. — Мазкур халқаро анжуман Оролбўйи минтақасидаги оғир экологик муаммолар муҳокамасига бағишлаб ўтказилаётган дастлабки йирик нуфузли тадбирдир. Конференция боис Орол фожиаси, Орол дарди — жаҳон миқёсидаги муаммо эканини теран тасаввур қиладиган давлатлар сафи янада кенгаяди. Ишончим комилки, ушбу анжуман экспертиза-ю таҳлиллардан амалий ёрдам йўлига ўтиш учун ташланган дадил қадам бўлади.

Тушдан сўнг анжуман иштирокчилари ишчи гуруҳларига бўлиниб, муҳокамаларни давом эттирдилар.

Ялпи мажлисда ишчи гуруҳлари раҳбарларининг тавсия этилаётган дастурлар тўғрисидаги шарҳлари тингланди.

(ЎзА).

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

***Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1995 йил 19 сентябргача бўлган***

### МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Бекобод | 2,75 | 18,75 |
| Ўртачирчиқ | 2,79 | 15,26 |
| Янгийўл | 1,96 | 14,90 |
| Бўка | 2,21 | 13,90 |
| Оққўрғон | 2,18 | 13,25 |
| Чиноз | 2,00 | 12,56 |
| Пискент | 1,07 | 9,06 |
| Қуйичирчиқ | 0,93 | 5,52 |
| Юқоричирчиқ | 1,32 | 3,76 |
| ВИЛОЯТ БЎЙИЧА: | 2,00 | 12,43 |

***

| | | |
|---|---|---|
| 1994 ЙИЛДА БЎЛГАН ЭДИ | 0,36 | 4,93 |

## Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

### ДАЪВАТ

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ МЕҲНАТКАШЛАРНИ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ВА ТЕРИМ ПЕШҚАДАМЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАШАББУСИ БИЛАН ЧИҚДИ.**

БУГУН пахтазор мардлар майдонига айланди. Йил — ўн икки ой пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат билан мўл ҳосил етиштирган пахтакор ва механизаторлар қаторида шаҳарлик ёрдамчилар ҳам этак тақиб далага чиқмоқдалар. Зеро умумхалқ ҳашари элимизга хос одатга айланган. Шаҳарликлар ҳеч қачон даладаги биродарларини зарур бўлган пайтда ёлғизлатиб қўймайдилар.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ҳам умумхалқ ишида фаол иштирок этиш, етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиш мақсадида тегишли тадбирлар белгилади. Вилоят кенгаши ижроия бюросининг шу йил 18 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишда вилоят пахтакорлари, ишчи-хизматчилари, фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар ҳамда барча меҳнаткашларга, партия аъзоларига қарата мурожаатнома қабул қилинди. Унда миллий бойлигимиз — пахтани тезроқ йиғиб-териб олишга даъват этилди, умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этишга чақирилди.

ХДП вилоят кенгаши шунингдек, аҳолини пахта йиғим-теримига кенг жалб этиш, пешқадам туманлар, хўжаликлар, механизаторлар ва терим илғорларини рағбатлантириш мақсадида пул мукофотларини ҳам таъсис этди. Жумладан, пахта тайёрлаш йиллик режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарган туманга 10 МИНГ СЎМ, режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарган жамоа хўжалигига 5 МИНГ СЎМ, режасини вилоятда биринчи бўлиб уддалаган бригада ва ижара хўжалигига 3 МИНГ СЎМ, пахта териш машинасида вилоят бўйича энг кўп пахта терган механик ҳайдовчига 3 МИНГ СЎМ, вилоят бўйича қўл терими мусобақасида ғолиб чиққан теримчига 2 МИНГ СЎМ, ҳашарчилар ўртасида йиғим-терим ишларини ибратли ташкил этган шаҳар ёки туманга 10 МИНГ СЎМ мукофот бериладиган бўлди.

• *Савоб ишни ҳар ким қилиши керак*

### ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги шаҳардаги 14-болалар уйининг ҳар бир тарбияланувчиси номига 1000 сўмдан пул ўтказилган омонат дафтарчаларини топширди.

Шу куни Чирчиқ жамғарма банки бошқарувчиси Л. Михайлуца ҳам болалар уйи жамоасини улуғ айём билан муборакбод этиб, банк ҳисобидан 60 метр хон атласни тарбияланувчи қизларга ҳадя этди.

Болалар уйининг директори В. Д. Цой ота-онасиз, меҳрга муҳтож болаларнинг бошини силаб, уларга ғамхўрлик қилаётган ҳукуматимизга, моддий жиҳатдан таъминлаб келаётган шаҳар ҳокимлигига, фарзандларга сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бераётган «Чирчиқсут» ҳиссадорлик жамияти, Чирчиқ трансформатор заводи, «Чирчиқтаом» ҳиссадорлик жамияти жамоаларига тарбиячи ва тарбияланувчилар номидан катта миннатдорчилик билдирди.

— Биз, — дейди у.— «Электркимёсаноати», «Ўзбеккимёмаш», «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаларидан ҳам хурсандмиз. Улар болаларнинг мириқиб хордиқ чиқаришлари, саломатликларини тиклашлари учун Бўстонлиқ туманининг тоғлар бағрида жойлашган «Флора» дам олиш масканимизни таъмирлаб беришди.

С. ЯМИНОВА.

### ЧИҚИНДИДАН ҚАТРОН

ЧИРЧИҚДАГИ «Капролактам» қўшма корхонаси атроф-муҳитни ифлослантирувчи йирик манбалардан ҳисобланади. Уни қуриш жараёнида табиатга катта зарар келтириши мумкинлиги инобатга олинмаган эди. Республикамиз мустақилликка эришгач бу масалага ҳам эътибор қаратилди. Шу туфайли кейинги йилларда корхонада экологик аҳволни яхшилашга қаратилган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу ўз самарасини бераяпти.

Корхонада жуда кўп турдаги хом ашёлар ишлатилади. Уларни қайта ишлаш жараёнида суюқ чиқиндилар ҳам ҳосил бўларди. Яқин-яқинларгача бундай чиқиндилар ёқиб юборилар эди. Капролактамчилар уни қайта ишлаш технологиясини жорий этдилар. Бу ижодий изланиш туфайли суюқ чиқиндилардан қатрон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уни харид қилувчилар ҳам топилди. Шундай қилиб, атроф-муҳитга зарарли бўлган яна бир чиқindининг ёқилиши барҳам топди, айни вақтда у даромад манбаи ҳам бўлиб қолди.

М. МАҲМУДОВ.

# МАЪРИФАТГА ИНТИЛСА ОДАМ...

● Бизнинг суҳбат

***Бундан роса бир йил муқаддам —20 сентябрь куни республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент вилояти бўлимининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтган эди.***

***Бир йил вақт нуқтаи назаридан қараганда ўзига хос марра. Ана шу маррадан туриб қилинган ишларга якун ясаш, янги вазифаларни белгилаб олиш анъанага айланиб қолган. Шу муносабат билан мухбиримиз республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент вилояти бўлими раисининг ўринбосари Р.ШЕРАЛИЕВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.***

**— Аввало бўлим фаолияти ҳақида қисқача маълумот берсангиз.**

— Ўтган бир йил мобайнида бўлимимиз шаклланди, оёққа турди, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан тикланиб олди. У вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболли режаси асосида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ва бу биз ўтказаётган тадбирлар мазмун мохиятини ташкил этади. Тошкент вилоятининг ўзига хос томонлари кўп. Кўхна ва қадим воҳада яшаётган аҳолининг анъаналари жуда бой. Уларни ўрганиш ва тарғиб қилиш, маънавий-маърифий ишларни давр талаби даражасига кўтариш, халқимизнинг миллий қадриятларини, урф-одатларини, анъаналарини ўрганиш фаолиятимизнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қатор рисолаларида илгари сурилган қоида ва хулосаларни дастуруламал қилиб олганмиз.

Бўлим кенг жамоатчиликка суянган ҳолда иш юритмоқда. Вилоятимизнинг деярли ҳамма шаҳар ва туманларида унинг хўжалик ҳисобидаги гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Биз ўз атрофимизга пойтахт илм-муассасаларида, вилоятимиз олийгоҳларида ва илмий тадқиқот масканларида меҳнат қилаётган олимларни, адабиёт ва санъат намоёндаларини, зиёлиларни тўплаганмиз. Улар вилоятимиз аҳолиси орасида бўлиб долзарб мавзуларда турли учрашувлар ўтказмоқдалар.

**— Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллик байрами ҳамма жойда шоду-хуррамлик билан ўтди. У бугун ҳам давом этмоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган бўлим байрамни қандай кутиб олди?**

— Байрамга тайёргарликни анча барвақт бошлаб юборган эдик. Бўлимимиз томонидан республика мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган маъруза матни тайёрланди ва у фойдаланиш учун жойларга юборилди. Шунингдек, Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобини ўрганишга бағишланган маърузалар, суҳбатлар, мулоқотлар, илмий-амалий конференцияларнинг намунавий рўйхатини ишлаб чиқдик. Зиёлилардан иборат гуруҳлар жойларда бўлишиб миллий истиқлол мафкураси, мустақиллик неъматлари ҳақида бир қатор мулоқотлар уюштирди.

Байрам муносабати билан бир нечта адабий-бадиий тадбирлар ҳам ўтказилди. Жумладан Пискент туманида уюштирилган «Ўзбекистон ватаним маним» деб номланган, Тошкент туманида бўлиб ўтган «Аёл билан мунаввар олам» кўрик танловлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

**— Адабий-бадиий тадбирлар ҳақида гап кетар экан, мен шу йил баҳор ойларида Тошкент давлат аграр университетида шоира Зулфия таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Зулфия издошлари» деб номланган кечани эсга олдим. Ана шу кўрик танловда вилоятимизнинг ижодкор аёлларидан 40 нафари иштирок этган эди.**

— Бу тадбирни ўтказишда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, университет маъмуриятининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу каби қизиқарли кечаларни тез-тез ўтказиб турамиз. Адабий-бадиий тадбирларнинг бир туркуми улуғ шоир Алишер Навоий ижодини тарғиб қилиш билан боғлиқ бўлди, яна бир туркуми Мирзо Улуғбек меъросини ўрганишга бағишланди. Бу тадбирларга Ўзбекистон Фанлар академияси қўлёзмалар институти, шарқшунослик институти олимларини кенг жалб қилдик. Улар вилоятимизнинг бир неча шаҳар ва туманларида мароқли суҳбатлар уюштирдилар.

Туркий халқларнинг улуғ шоири Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асари яратилганлигининг 925 йиллиги муносабати билан Ангрен педагогика олийгоҳида бўлиб ўтган илмий суҳбат ҳақида алоҳида тўхталмоқчи эдим. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтининг директори, академик А. Қаюмов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар талабаларга белгиланган мавзу юзасидан қизиқарли маълумотлар бердилар. Бу учрашувнинг энг қимматли томони шундан иборат бўлдики, бўлимимиз ташаббуси билан Қўлёзмалар институти ва Ангрен педагогика олийгоҳи ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олинди. Мазкур ўқув йилидан бошлаб талабалар Юсуф Хос Хожибнинг номи қайд этилган асари юзасидан тадқиқотлар ўтказадилар. Иқтидорли талабаларга Қўлёзмалар институти олимлари адабиётлар танлашда, тадқиқотлар ўтказишда яқиндан ёрдам беришадиган бўлдилар.

**— Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидаги бўлимлар фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Иқтисодий қийинчиликлар албатта улар фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Чунки улар хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатишмоқда. Лекин шунга қарамай бир қатор шаҳар ва туманларда ходимларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ҳалол ва сидқидилдан бажаришмоқда. Туман ва шаҳрлардаги бўлимларимиз фаолияти асосан уч йўналиш бўйича ташкил этилган. Булар халқ университетлари, семинарлар ва туркум маърузалардир. Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида, Паркент ва Қибрай туманларида амалга оширилаётган ишлардан кўнглимиз тўқ.

Вилоятимиздаги корхона, муассаса, ташкилот ва хўжаликларда марказнинг бошланғич ташкилотларини ва улар фаолиятини жонлантириб юборишга жиддий эътибор берилмоқда. Ҳозиргача 30 га яқин бошланғич ташкилотлар таянч тажриба мактаби вазифасини бажариб турибдилар.

Гап қуйи ташкилотлар ҳақида кетар экан, иш ҳамма жойда ҳам бир маромда кетяпти деб бўлмайди. Хусусан, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Бўка, Оҳангарон туманларида, Бекобод шаҳрида қуйи ташкилотларимиз яхши ишламаяпти. Уларнинг ташкилотлар билан шартномалари йўқ. Халқ университетлари ташкил этиш ишлари сусткашлик билан олиб борилмоқда.

**— Энди муаммолар ҳақида...**

— Улар талайгина. Ишончим комилки муаммолар аста-секин ўз ечимини топади. Ҳозирги вазифа мавжуд имкониятлардан фойдаланиб янада фаолроқ меҳнат қилишдан иборат.

**— Энди бўлим режалари ҳақида гапириб берсангиз?**

— Жума — вилоятимизда маърифат куни деб эълон қилинган. Шунга эришишни жуда-жуда истар эдимки, жума кунларида беистесно ҳар бир ташкилот, муассаса, корхонада бирон бир маърифий тадбир ўтказилса. Менинг назаримда кейинги пайтларда жойларда бундай тадбирлар ўтказишга етарлича эътибор берилмаяпти. Бунинг учун биз қуйи ташкилотлар — хусусан бошланғич ташкилотлар фаолиятини тезроқ кучайтиришимиз керак.

Ўзбек халқи ўз даҳолари билан дунёга донг таратган. Шу сабабли ҳар бир алломанинг у ёки бу баҳона ижодий меъросини тарғиб қилиш орқали халқимизни ўз тарихига ва ватанига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашни бош мақсад қилиб қўйганмиз. Келгусида соҳибқирон Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Камолиддин Беҳзод каби аждодларимиз меъросини тарғиб қилишни режалаштирганмиз. Бу ишларни амалга оширишда биз вилоят ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари ёрдами ва мададига суянамиз.



●Суратларда: кўргазманинг очилиш пайти; экспонатлардан намуналар.

Д. АҲМАД суратлари.

# АЗАЛИЙ ТИЖОРАТ ҲАМКОРЛИГИ

Ҳинд тадбиркорлари иккинчи марта ўзбек диёрида ўз маҳсулотларини «Ўзэкспомарказ» республика савдо кўргазмасида намойиш этдилар.

Ҳиндистон савдони ривожлантириш ташкилоти ташкил этган савдо кўргазмаси очилиши муносабати билан 16 сентябрь куни бу ерда матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда «Индия тред промешн организейшн» ташкилоти раиси ва бошқарма директори К. К. Матур иштирок этди. У анжуманда сўз олиб шундай деди: «Умид қиламанки қуёшли ўзбек юртида намойиш этаётган бу кўргазмамиз меҳмондўст халқингизга манзур бўлади. Шу ўринда қайд этишни истардимки, келажаги буюк бўлган Ўзбекистон саноатчилари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳам яқин келажакда жаҳоннинг энг нуфузли бозорларида ўзининг мустаҳкам ўрнини топиб олади. Кези келганда таъкидлаб ўтиш керакки, ҳинд ва ўзбек халқлари азалдан тижоратда ҳамкор ва ҳаммаслак бўлганлар. Биз бу диёрда иккинчи бор ўз маҳсулотларимизни намойиш этяпмиз. Илк сафар мамлакатда буюк инқилобий ўзгариш — мустақиллик кезлари келган эдик. Шу ўтган тўрт йил ичида, Ўзбекистонда жуда катта ўзгаришлар содир бўлибди. Бу айниқса маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида яққол кўзга ташланади. Кўргазмамиз ўзбек ва ҳинд халқининг мустаҳкам иқтисодий, маданий ҳамда тамал тошини бобокалонларимиз қўйиб кетган тижорат алоқаларимиз ўзгача маъно касб этиб қайта тикланганлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Кўргазмада Ҳинд юртида машҳур бўлган «Марутууейн», «Белко», «Перлоскар», «Юник» ва бошқа компаниялар ишлаб чиқарган енгил, ҳарбий юк машиналари, зич ёпиладиган компрессорлар, насослар, химикатлар, кир ювиш машиналари, дори-дармонлар ип ва ипак газламалар, чарм, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари йиғилганларда ва харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳиндистон савдони ривожлантириш «Индия тред промешн организейшн»нинг бу хайрли иши ўзбек диёрида ўзининг ижобий самараларини беради.

Ҳинд халқи азалдан ранго-ранг сарилари-ю, аёллар безаклари, атиқа-асорлари билан дунёга машҳур. Ҳинд халқининг миллий расм-русмларида аёллар либослари бугунги кунда ўзбек аёли дидига ҳам мос келаётир. Айниқса ҳинд аёлларининг миллий либоси — сариларни ўзбек аёллари севиб харид қилаётир ва ўзимизнинг кутлуғ анъаналаримизда ҳам аёлларимиз эгнида ял-ял ёнаётир.

Кўргазма зали бўйлаб айланар экансиз, ўзингизни ҳиндистонлик санъатчилар ёнида, халқ ҳунармандлари даврасида, тиббиётчилари теграсида, санъаткорлари ҳузурида тасаввур этасиз.

Анжуман сўнгида жаноб К. К. Матур йиғилганларнинг, журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб берди.

**М. ОБИДОВА.**

# ОРОЛ — РАССОМЛАР ИЖОДИДА

Тошкентда ўтаётган кулол-ҳайкалтарошларнинг «Орол — дардимиз» халқаро симпозиуми иштирокчилари Ҳамза номидаги санъатшунослик институтида давра суҳбати қурдилар. Орол фожеасини акс эттириш бўйича янги ижодий ғоялар ҳамда бу муаммога ёндашув масалалари устида гап кетди. Симпозиумда рассомларнинг экологик ижтимоий муаммога оид фикрларини мана шундай кенг баён қиладиган учрашуви биринчи бор ўтаётгани таъкидланди.

Мулоқотда нафақат ўзбекистонлик, балки кўплаб хорижлик рассом ва ҳайкалтарошлар ҳам иштирок этди. Жумладан, германиялик кулол-ҳайкалтарошлар Т.Штебут ва Т.Барнштейн ўзларининг Ўзбекистонга ташрифини қуйидагича изоҳлашди: ГФРда, мана, йигирма йилдан бери Орол денгизи ҳалокати тўғрисида гапирилади. Бизнинг ҳам бу минтақада истиқомат қиладиган кишилар, бу замин, улкан Орол ҳавзаси тақдири учун қайғуришимиз табиий, албатта. Бу ерга олиб келган асарларимиз эса, муаммонинг ҳал этилишига кичик бўлса-да, ҳисса бўлиб қўшилишидан умидвормиз.

Нукусда Орол муаммоларига бағишланган халқаро конференция ўтаётган айни шу кунларда рассомларнинг ҳам Орол муаммосини муҳокама қилиши — жуда муҳимдир. Бу — Орол ва Оролбўйидаги экологик аҳвол турли мамлакатларда истиқомат қилаётган кишиларни ҳам кенг ташвишга солаётганини кўрсатади.

**А.ОТАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР

## Олмаликда иқтисодий ислоҳотлар қандай бормоқда?

***ОЛМАЛИҚ шаҳрида ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ишлари кўлами тобора кенгайиб чуқурлашмоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бундай ишбилармонлар сафини кенгайтириш ҳамда ислоҳотнинг бошқа йўналишлари бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди, айни пайтда у давом этмоқда.***

Иқтисодий ислоҳотлар кўламини тўла тасаввур қилиш учун бир рақамни келтирмоқчиман. Бугунги кунга келиб шаҳардаги корхоналар саксон фоизининг мулк шакли ўзгарди. Улар давлат тасарруфидан чиқарилиб, жамоа хусусий мулк ёки ҳиссадорлик жамиятлари бўлиб қолди. Фақатгина шу йилнинг биринчи ярмида яна тўққизта объект ҳақиқий эгалари қўлига топширилди. Бу йил давомида мулк шаклининг ўзгариши назарда тутилган жойларнинг саксон фоизини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда айрим соҳада монополиялик қилаётган корхона, ташкилотларни майдалаштириш, бўлиб ташлаш бўйича белгиланган топшириқларни бажариш юзасидан ҳам анча иш қилинди. Жумладан, «Вилоятсавдо», «Вилояттаом» бирлашмаларига қарашли ҳиссадорлик жамиятлари, жамоа корхоналаридан йигирма учта объект ажралиб чиқди. Умуман шу йўл билан 27 та корхона монополиядан чиқарилди. Бу тадбирнинг эътиборга лойиқ томони шундаки, корхоналар мустақил бўлсалар улар ўртасида ўзаро рақобат кучаяди. Бундан эса аҳоли фойда кўради, ҳар бир монополиядан чиққан корхона маҳсулот ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга, ўзларига мижозларни кўпроқ жалб қилишга интилади. Бу эса уларда ўз иш фаолиятини янги босқичга кўтаришга бўлган интилишни кучайтиради.

Кейинги вақтларда объектлар ва ер майдонларини кимошди ва очиқ савдолар орқали сотишга тобора катта эътибор берилмоқда. Мулкни ҳақиқий эгаларига топширишнинг бу усули самарали эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турипти. Шуни ҳисобга олиб, июль — август ойларида деярли ҳар ҳафтада бир мартадан кимошди ва очиқ савдолар ўтказилиб турди. Кўчмас мулк ва ерни сотишдан тушган маблағ эса шаҳарни иқтисодий-ижтимоий ривожланишига сарфланяпти. Шунинг учун ҳам шаҳар ҳокимлиги давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан ким ошди ва очиқ савдолар ўтказишни доим назорат остида сақламоқда, улар самарали ва фойдали ўтиши учун Давлатмулк қўмитаси шаҳар бўлимига ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

Фақатгина кейинги икки ойда ўтказилган кимошди ва очиқ савдоларда умумий қиймати деярли икки миллион сўмлик давлат мулки сотилди. Жумладан, 15 та ер майдони, 10 та кўчмас мулк объектлари ўз эгалари қўлига топширилди. Шундай йўл билан топилган маблағнинг 700 минг сўмдан кўпроқ қисми бевосита шаҳар бюджетига тушди.

Иқтисодий ислоҳотлар ҳақида гап борганда давлат корхоналарини акциялаштириш соҳасидаги ишлар ҳақида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Шаҳарда бундай жамиятлар анча илгари пайдо бўла бошлаган эди. Ҳозиргача фақат рўйхатдан ўтган, демак тўла равишда мустақил бўлиб олган бундай корхоналар ўттизтага яқинлашиб қолди. Яна олтита шундай жамият бор, бироқ, уларни рўйхатдан ўтказиш пайсалга солинмоқда. Бундай аҳволни шу корхоналар раҳбарларининг масалага жиддий муносабатда бўлмасликлари билан изоҳлаш мумкин холос. Олмалиқ уйсозлик комбинати, темир-бетон конструкциялари заводи, қандолатчилик фабрикаси раҳбарлари бу ишнинг моҳиятини ҳамон тўла тушуниб етмаганга ўхшайдилар. Улар шаҳар давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлимининг шу масала юзасидан мурожаатларини инобатга олмасдан жавобсиз қолдирмоқдалар.

Шаҳарда банд бўлмаган аҳолини «Завод — маҳалла» иқтисодий минтақаларига жалб қилиш бўйича ишлар ҳам бошланиб кетди. Шу йўл билан янги иш ўринлари барпо этиляпти, «Тафтинг» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бу хайрли ишга шаҳарда биринчи бўлиб қўл урди. Гиламдўзлар қўмаги билан маҳаллаларда янги ишлаб чиқариш бўлинмалари очилди. Чунончи, учта цех ташкил этилди. Турли хил кенг истеъмол буюмларини тайёрлашга ихтисослашган бу цехлардаги ишчилар ўрни 140 тага етказилди. Иш икки-уч сменада ташкил этилиши мумкинлигини ҳисобга олинса бу рақам ўз-ўзидан икки-уч баравар ортиқ бўлади.

— «Завод — маҳалла» иқтисодий минтақаларининг истиқболи бор, деб айтиш мумкин, — дейди Давлат мулк қўмитаси Олмалиқ шаҳар бўлимининг бошлиғи Ф. Орипов, — «Тафтинг» ҳиссадорлик жамиятининг тажрибаси шундан далолат бериб турипти. Унинг бўлинмалари шаҳар ва яқин қишлоқлардаги маҳаллаларда ташкил этилган ва асосан истеъмол бозорини тўлдириш учун ишламоқда. Энг муҳими янги иш ўринларининг барпо этилганидир. Шу тадбир туфайли ўнлаб банд бўлмаган кишилар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинди. Бу уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга олиб келиши диққатга сазовордир. Умуман иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборатдир. Шу туфайли ҳам бу йўналишдаги ишни давом эттиришни режалаштирганмиз.

Ҳа, шаҳарда шундай минтақаларни барпо этиш ишларини янада кенгайтириш назарда тутилмоқда. Шу кунларда ками билан яна иккита шундай минтақани ташкил этиш бўйича ишлар бошланиб кетди. Шаҳардаги йирик саноат корхоналарида бу ишда қатнашишга истак билдирдилар.

Кейинги вақтда тадбиркорлик тузилмаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби жуда енгиллашди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу хусусдаги фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари натижасидир. Илгариги вақтдагидек турли-туман идоралар бўйлаб ҳатто йиллаб овора-ю сарсон бўлиб юриш ҳоллари барҳам топди. Шу сабабли ҳам фақатгина йил бошидан бери ўтган ойлар давомида тўқсондан ортиқ шундай тузилмалар барпо этилди ва қисқа вақт ичида рўйхатдан ўтказилди.

Бу тузилмаларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи хусусий корхоналардир. Бундан ташқари, патент бўйича якка тартибда ишлайдиган минг нафардан ортиқ шахсий тадбиркорлар рўйхатга олинди. Улар, асосан, аҳолига турли-туман хизмат кўрсатиш билан шуғулланмоқдалар ёки истеъмол бозори учун ишламоқдалар.

Шаҳарда тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга қаратилган турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ҳокимлиги ва унинг шу иш билан шуғулланувчи бўлими бу масалани доим диққат-эътибор марказида сақламоқда. Тадбиркорларга ҳар соҳада, чунончи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича маслаҳатлар берилмоқда, хусусий фаолият кўрсатишга аҳд қилганлар рағбатлантирилмоқда, уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бунинг учун етук мутахассислардан иборат гуруҳ ишлаб турипти, унинг аъзолари ҳафтанинг маълум кунларида ишбилармонларни қабул қилиб, уларни қизиқтирган масалалар бўйича маслаҳатлар бермоқдалар.

Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга ёрдам берувчи жамғарманинг бўлинмаси очилган. Шаҳарнинг ўзида «Ҳамкорлик» номи билан янги жамғарма ташкил этилди. Улар шаҳар корхоналарида янги технологияларни жорий қилиш, тадбиркорларга ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш билан шуғулланмоқдалар.

— Шуни ҳам очиқ эътироф этиш керакки, бу жамғармаларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирги босқичда тадбиркорларга амалий молиявий ёрдам кўрсатишни етарли олиб бораётганлари йўқ, — дейди бўлим бошлиғи. — Бизнинг фикримизча бу ишни мувофиқлаштирувчи ягона жамғарма тузиш лозим.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг мустаҳкам оёққа туриб, самарали фаолият кўрсатишларига эришиш учун қатор бошқа муаммоларни ҳам зудлик билан ҳал қилиш талаб этилади. Уларнинг энг муҳимларидан бири ишбилармонларни маблағ билан таъминлашдир. Тўғри улар истаган миқдорда, албатта гарови етарли бўлса, пул ресурсларини олишлари мумкин. Лекин, масаланинг иккинчи томони ҳам борки, бу хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларга катта қийинчилик туғдирмоқда. Бу ерда гап тадбиркорларга бериладиган кредитлар учун олинадиган фоиз миқдорлари ҳақида боряпти.

— Ҳозирги вақтда айрим тармоқлар бўйича кредитнинг фоиз ставкасини камайтириш лозим деб ҳисоблаймиз, — деди бошлиқ. — Чунончи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тадбиркорларга бу соҳада муайян енгилликлар бериш лозим. Чунки, бундай тармоқлар тадбиркорлари асосан истеъмол бозори учун ишлайдилар, ўз маҳсулотлари билан уни тўлдиришга ҳисса қўшадилар.

Олмаликда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича ишларда ютуқлар қатори айрим камчиликлар ҳам борлиги шундоқ кўзга ташланиб турипти. Бу муҳим иш силлиқ, ҳеч қандай тўсиқларсиз бораяпти, деб айтиш учун тўла асос йўқ. Умуман олганда шаҳарда монополиядан чиқариш, тадбиркорлик тизимларини барпо этиш, ижтимоий соҳа объектларини майдони билан қўшиб сотиш бўйича ишлар ҳали қониқарсиз бажариляпти. Шахсий уй-жой қуриш учун ер майдонлари белгиланганига нисбатан жуда кам сотилган. Шу йилнинг август ойигача бор-йўғи бешта шундай ер майдонлари ким ошди савдоси орқали ўз эгаларини топди, холос. Шунингдек, ҳозирги вақтда бўш ётган биноларни ижарага бериш бўйича ҳам иш йўлга қўйилмаган. Хусусий тадбиркорлар рўйхатдан ўтиш учун кўп ҳолларда ҳамон сансалорликка дуч келмоқдалар. Улар турли идоралар бўйлаб овораю сарсон бўлишяпти.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ажралмас қисми бўлган қимматли қоғозлар бозори ҳамон ташкил этилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» эълон қилинган Фармони мутасадди ташкилотлар эътиборини қимматли қоғозлар бозорини пухта ташкил этиш ва унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратиши керак. Бундан ташқари, шаҳарда миллий дипозитарий бўлинмаси, брокерлик идораси ҳамда бошқа инфраструктураларнинг бўлинмалари тузилмаган. Ўйлаймизки, шаҳар ҳокимлиги ва унинг давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги бундай камчиликлар ва муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш учун барча имкониятларни ишга соладилар.

**М. МАҲМУДОВ.**

# ЎН ЙИЛ ТАЪМИРЛАМАСДАН

АВТОМАШИНАЛАРНИ узоқ йиллар давомида соз ҳолда бўлишини таъминлаш, уларнинг таъмирлашлараро муддатларини узайтириш ҳар бир ҳайдовчининг ўз касбининг моҳири, вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлишию ихтиёрига бериб қўйилган транспорт воситасини кўз қорачиғидай асраб-авайлашига боғлиқ.

Ўртачирчиқ туманидаги 74-автокорхонада эса шундай ҳайдовчилар сафи йил сайин кўпайиб бораяпти. Биринчилар қаторида ҳайдовчи Мирзатилла Машарипов номини тилга олишади. Чунки у бундан ўн йил илгари ўзига бириктиб қўйилган автомашинани шу вақтгача таъмирламасдан бошқармоқда. Ҳайдовчи ўз техникасини ҳар куни ишдан кейин синчиклаб кўздан кечиради, арзимаган носозликлари бўлса ҳам уларни тузатмаса кўнгли тинчимайди.

Корхонада бундай моҳир транспортчилар анчагина бор. Салоҳиддин Эшонқулов, Михаил Ванников, Олим Галимов, Акбархожи Комилов ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар автомашиналарнинг техник жиҳатдан соз ҳолда сақлаётганлари учун ҳам ишлари унумли бўлмоқда. Шу кунларда корхона ҳайдовчилари пахта далаларида етиштирилган янги «оқ олтин» ҳосилини нес-нобуд қилмай ташиб олишда иштирок этмоқдалар.

**Ў. ҲАМИДОВ.**

# ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги Жумабозор матлубот жамияти саъй-ҳаракати билан қишлоқ марказида яқинда 2 та янги нонвойхона очилди. С.Дадажонов, А.Абдукаримов каби қўли гул нонвойлар нафақат қишлоқ аҳолисига, ҳатто йўловчиларга ҳам сидқидилдан хизмат кўрсатиб келаётирлар.

Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда тайёрланган маҳсулотлар ҳам арзон, ҳам сифатлидир.

**А.МАТҚУЛОВ.**

# ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА ЦЕХ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида калиш тайёрлайдиган цехи ишга тушди. Бу ерда 20 киши ишлаб, 3-12-катталикдаги калишлар тайёрланмоқда. Руслан Лигай раҳбарлигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосан туман аҳолисига сотилади.

**И. ХОЛТУРСУНОВ.**

# «Вижн интернейшнл» даволайди

Тошкентда «Вижн интернейшнл» халқаро офталмология маркази иш бошлади.

— Минтақада дастлабки халқаро офталмология марказини қуриш учун икки сабабга кўра Ўзбекистонни танладик,— деди марказни очиш маросимида иштирок этиш учун атайлаб Лондондан Тошкентга келган «Вижн интернейшнл» президенти Говард Харпер. — Биринчидан республикангиз Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган. Иккинчидан эса, 1990 йилдаёқ Президент Ислом Каримов ўзига хос мушоҳада кучи билан таклифимизнинг моҳиятини тўғри баҳолаган эди. Мана энди Тошкентдаги «Вижн интернейшнл» марказининг эшиклари беморлар учун очилди.

Бу ерда 23 нафар хорижий ва шунча маҳаллий мутахассислар ишлайди. Уларнинг ҳаммаси тест синовидан ўтди. Бу синов энг малакали ва бир неча тилни биладиган ходимларни танлаб олиш имконини берди.

Тиббий асбоблар АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия ва Янги Зеландиядан келтирилган. Қароргоҳи Англияда жойлашган «Вижн интернейшнл» халқаро ташкилоти Афғонистон ва Покистонда офталмология марказлари очган. Тожикистон ва Қирғизистонда ҳам Тошкентдаги каби марказлар қурилиши бошланди.

**Светлана ТЕН,**
**ЎзА мухбири.**

